

ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ СУБЪЕКТЛАРИДА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИ АСОСИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ЮРИТИШ

Бакиров Норбек Норкучқор ўғли

Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти
“Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси, магистр

bakirov.norbek@gmail.com

Аннотация

Ушбу мақолада электр таъминоти субъектларда бухгалтерия ҳисобини юритишга доир масалалар молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида ташкил этиш, мамлакатимиздаги хўжалик субъектларининг ҳисоб ва ҳисоботларини ҳолатларини уйғунлашувини оширишга қаратилган таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: бухгалтерия ҳисоботи, молиявий ҳисобот, бошқарув ҳисоботи, солиқ ҳисоботи, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари.

Кириш: Ўзбекистон Республикасида электр энергияси таъминоти корхоналарини трансформация қилиш ҳамда уларга инвестицияларни жалб этишни кенгайтириш, аҳолининг жон бошига ишлаб чиқарилган электр энергиясини узлуксиз ошириб бориш масалаларига устувор йўналиш сифатида қаралмоқда. Келгуси йилларда электр энергетика тармоғида, шу жумладан тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этган ҳолда ишлаб чиқариш қувватларини ривожлантириш ва йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш белгиланган. Мазкур вазифалар ижросини таъминлаш янги электр энергия ишлаб чиқариш қувватларини куриш ва мавжудларини модернизация қилиш, эскирган асосий воситаларни янгилаш, электр энергияси саноатига бозор механизмларини кенг жорий этиш, электр энергияси таъминоти корхоналарида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари самарали жорий қилиш орқали уларнинг инвестицион жозибдорлигини ошириш зарур. Ушбу вазифаларни амалга оширишда илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш долзарб масалалардан биридир.

“Қашқадарё худудий электр тармоқлари” АЖда МҲХСни қўллаш бўйича ишлар энг аввало МҲХС бўйича ҳисоб сиёсатини такомиллаштиришдан бошланиши зарур. Шунга мувофиқ мамлакатимиздаги барча электр энергия таъминоти субъектлари 2021 йил якунларидан бошлаб молиявий ҳисоботни МҲХС асосида тайёрлаш ишлари олиб бормоқда. Бироқ энергия таъминоти субъектларида 2021 йилда молиявий ҳисоботни МҲХС асосида тайёрлаш ишлари билан

танишганимизда бир қанча номувофикликлар мавжудлигига гувоҳ бўлдик. Шунга асосан илмий изланишимнинг ушбу қисмида ушбу номувофикликлар ҳамда такомиллаштирилиши зарур бўлган МҲХСни қўллаш бўйича мулоҳазаларимизни келтирмоқчимиз.

2. Адабиётлар шарҳи: Энергио таъминоти корхоналарининг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларини халқаро стандартлар асосида уйғунлаштириш, ҳисобот шакллари қиёсланувчанлиги ҳамда шаффофлигини таъминлаш бўйича хорижий ва маҳаллий олимларнинг фикрларини келтириб ўтамиз.

Е. Л. Путникова, В. А. Урбанлар молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишни қуйидагича изоҳлайди: «Беларусь Республикасининг молиявий ҳисоботларини халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ ўзгартириш МҲХСга ўтиш йўлидаги биринчи, жуда муҳим ва мажбурий қадамдир»[1].

З.Н.Курбанов ва А.Акрамовларнинг фикрича «Республикамизда бухгалтерия ҳисобини босқичма-босқич молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида ташкил этиш ва молиявий ҳисоботларни тузиш жаҳон интеграциясига янада кенгроқ кириб бориш имкониятини беради. Бу эса Республикамизда бухгалтерия ҳисобини ислоҳ этиш ва модернизация қилишнинг янги босқичи бўлиб қолади»[2].

И.Н.Исманов «МҲХСни қуйидагича изоҳлайди: МҲХС корхона фаолияти тўғрисида молиявий ахборотларнинг манбаи бўлган ва фойдаланувчилар учун хизмат қиладиган молиявий ҳисобот тайёрлашга йўналтирилган. Ушбу стандартлар алоҳида олинган мамлакатнинг қонунчилигига боғланмаган ва фаолият тури, ўлчами, ташкилий-ҳуқуқий шаклидан катъий назар барча корхона ҳисоботини шакллантириш учун йўналтирилган»[3].

3. Тадқиқот методологияси. Электр таъминоти субъектларда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини Молиявий Ҳисоботнинг Халқаро Стандартлари асосида ташкил этиш, мамлакатимиздаги акциядорлик жамиятларининг ҳисобот шакллари ҳолатлари ва уйғунлашувини ошириш масалалари илмий жиҳатдан ўрганилган. Мавзунини ёритишда адабиётлар шарҳи, маълумотларни гуруҳлаш ва таққослаш методларидан фойдаланилган.

4. Таҳлилий натижалар: Мамлакатимизда электр энергияси таъминоти корхоналарини трансформация қилиш ҳамда уларга инвестицияларни жалб этишни кенгайтириш, аҳолининг жон бошига ишлаб чиқарилган электр энергиясини узлуксиз ошириб бориш масалаларига устувор йўналиш сифатида қаралмоқда. Келгуси ўн йилликда электр энергетика тармоғида, шу жумладан тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этган ҳолда ишлаб чиқариш қувватларини ривожлантириш ва йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш белгиланган. Шу ўринда молиявий ҳисобот халқаро стандартларига кўра олинган ҳамда берилган қарзлар қарзга оид молиявий инструментлар сифатида таснифланади. Уларнинг ҳисобини юритиш 9-МҲХС (IFRS) «Молиявий инструментлар» стандарти асосида юритилиши зарур. Маблағларни беришда қарз берувчи тараф қарзни молиявий актив сифатида таснифлайди. Қарз олувчи эса олинган қарзни молиявий мажбурият сифати ҳисобга олади. 9-МҲХС (IFRS) «Молиявий инструментлар» стандарти талаблари асосан қарзни адолатли қиймати бўйича, яъни қилинган барча харажатларни ҳисобга олган ҳолда баҳолаш зарур. Қилинган харажатлар қарзни олиш ёки бериш билан бевосита боғлиқ бўлган харажатлар бўлиши лозим. Масалан, қарз олувчининг молиявий аҳолини, кафолатларни баҳолаш, қарзга оид ҳужжатларни тайёрлаш ва уларга ишлов бериш, гаровни ёки бошқа таъминотни расмийлаштириш хизматлари ва шу кабилар учун тўланадиган харажатлар юз бериши мумкин.

Фикримизни тушунтириш учун оддий мисол келтирамиз. “Кашқадарё ҳудудий электр тармоқлари” АЖ қарз берувчидан йиллик 10% тўлаш шarti билан 2 млн шартли бирлик (ш.б.) миқдориди қарз маблағларини жалб қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги қафолатини олиш зарур ва бу Жамиятга 50 минг ш.б. харажатларни олиб келади, деб фараз қилайлик.

У ҳолда қарз бўйича мажбуриятларнинг бошланғич баҳоси:
 $2\,000\,000 \text{ ш.б.} - 50\,000 \text{ ш.б.} = 1\,950\,000 \text{ ш.б.}$

9-МХХС (IFRS) «Молиявий инструментлар» стандарти талабларига кўра Келгусида қарзлар амортизацияланган қиймати бўйича баҳоланиши зарур. Бунда дастлаб тан олинган қарз қиймати билан сўндириладиган сумма ўртасидаги фарқ амортизацияланади.

Олинган қарз амал қилувчи муддат давомида ушбу суммани бир маромда сўндириш учун самарали фоиз ставкаси қўлланилади. Бу – қарз шартномаси амал қилган муддат давомида ҳисоб-китоб қилинган келгуси пуллик тўловларни ёки тушумларни дисконтловчи ставка ҳисобланади. Самарали фоиз ставкасини аниқлаш пайтида Жамият шартномада қайд этилган барча шартларни (олдиндан ҳақ тўлаш, тўловни кечиктириш имконини бериш, бонуслар, битим бўйича харажатлар, чегирмалар, мукофотлар ва х.к.) эътиборга олган ҳолда кутилаётган пул оқимларини баҳолаши керак.

Шундай қилиб, қарзнинг бошланғич қиймати 1 950 000 ш.б. Тўланадиган фоизлар шартнома бўйича қарз суммасидан ҳисобланади:

$$2\,000\,000 \text{ ш.б.} \times 10\% = 200\,000 \text{ ш.б.}$$

Қарз олувчининг фоизли харажати:

$$1\,950\,000 \text{ ш.б.} - 2\,000\,000 \text{ ш.б.} - 200\,000 \text{ ш.б.} = -250\,000 \text{ ш.б.}$$

Самарали фоиз ставкаси:

$$250\,000 \text{ ш.б.} / 1\,950\,000 \text{ ш.б.} \times 100 = 12,82\%$$

Тўланадиган фоизлар билан қарз олувчининг фоизли харажати ўртасидаги фарқ:

$$250\,000 - 200\,000 = 50\,000 \text{ ш.б.}$$

Ушбу 50 000 ш.б. қарз олувчи битим бўйича сарфлаган қўшимча харажат ҳисобланади.

1-жадвал

МХХС қоидалари бўйича қарз олувчида қарзга оид бухгалтерия ёзувларининг акс эттирилиши

Операция	Сумма, ш.б.да	Дебет	Кредит
Қарз олинди	2 000 000	М5110	М6820
Қарз бўйича қафолатга қўшимча харажатлар қилинди	50 000	М6820	М5110
Самарали фоиз ставкаси бўйича фоизлар ҳисобланди $1\,950\,000 \times 12,82\%$	250 000	М9610	М6820
Фоизлар тўланди	200 000	М6820	М5110
Қарз қайтарилди	2 000 000	М6820	М5110

Юқоридаги жадвалда бир йилда ҳисобланган ва тўланган фоизларнинг суммалари акс этган. Амалиётда эса фоизлар ҳар ой, ҳар ойдаги қарздан фойдаланилган календарь кунлари сонидан келиб чиқиб ҳисобланади. Қарз тўланадиган ва қайтариладиган, шунингдек фоизлар тўланадиган

саналар шартнома шартлари билан белгиланади.

Солиқ солиш мақсадларида қарз олувчи сифатада иштирок этувчи Жамиятнинг бутун фойзли харажати 250 000 ш.б. фойда солиғини ҳисоб-китоб қилиш чоғида чегириладиган харажат деб ҳисобланади.

Хулоса. Электр энергия ишлаб чиқариш қувватларини қуриш ва мавжудларини модернизация қилиш, эскирган асосий воситаларни янгилаш, электр энергияси саноатига бозор механизмларини кенг жорий этиш, электр энергияси тамиёноти корхоналарида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари самарали жорий қилиш орқали уларнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни. 13.04.2016 йилдаги ЎРҚ-404-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори. Тошкент ш., 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611 сонли.
3. Путникова Е. Л., Урбан В. А. Подготовка бухгалтерской отчетности согласно международным стандартам финансовой отчетности.. Весник Белорусской государственной сельскохозяйственной академии. 2022. №2
4. Курбанов З.Н., Акрамов Ф.А. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишнинг долзарб масалалари. «Бизнес-эксперт» журнали.2015 йил.4-сон.
5. Исманов И. Н. Бухгалтерия ҳисоби тизимининг молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига трансформациясининг зарурияти. Иқтисод ва молия / Экономика и финансы 2017, 38-44 б.
6. Ташназаров С. Н. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари. Дарслик. -Т.: 2019, 584 б (31).
7. Бердиев Қ.Ҳ. Хусусий капиталнинг бухгалтерия ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш иқтисодий фанлари фалсафа док.....дисс. автореф. –Тошкент, 2023. 26 б.
8. Egamberdiyeva Salima Rayimovna, & Aralov Sabir Javli ugli. (2022). Issues of Compliance of Financial Statements with International Standards. Journal of Corporate Finance Management and Banking System (JCFMBS) ISSN : 2799-1059, 2(02), 1–10. <https://doi.org/10.55529/jcfmbs22.1.10>
9. Tursunov, I., Jumayeva, G., & Ostanov, K. (2017). Features of innovation development of the economy Uzbekistan. In International conference on scientific development in North America (pp. 43-49).
10. Жумаева, Г. Ж., Хасанова, Ю. М., & Рузиев, З. И. СВОБОДНЫЕ ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ЗОНЫ И ИХ РОЛЬ В РАЗВИТИИ ЭКОНОМИКИ УЗБЕКИСТАНА.
11. Алимханова, А. Н., & Мицель, А. А. (2019). Оценка эффективности предприятий на основе метода DEA. Доклады Томского государственного университета систем управления и радиоэлектроники, 22(2), 104-108.
12. Равшанов, А. Д., Хасанов, Ш. Х., & Алимханова, Н. А. (2018). Қишлоқ хўжалигини инвестицион-инновацион ривожлантириш имкониятлари ва истикболлари. Экономика и финансы (Узбекистан), (11), 9-14.

13. Эргашева, Н. (2022). ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИДА ҲИСОБ СИЁСАТИНИНГ ТАШКИЛИЙ-УСЛУБИЙ ТАЪМИНОТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. *Innovatsion texnologiyalar*, 1(04), 108-111.
14. Azimova, N. E. (2022). ISSUES OF DEVELOPMENT OF FOREIGN TRADE WITH THE HELP OF FOREIGN INVESTMENTS. *Gospodarka i Innowacje.*, 29, 183-188.
15. Alisher Ravshanov 2022. The city as a social phenomenon: sociological and historical approaches. *INTERNATIONAL SCIENTIFIC JOURNAL "THE CAUCASUS AND THE WORLD"*. 24 (May 2022), 153–158. DOI:<https://doi.org/10.52340/isj.2022.24.22>.
16. Kholmurodov, O. (2022). CONSOLIDATED FINANCIAL STATEMENTS AND THEIR THEORETICAL FOUNDATIONS. *Educational Research in Universal Sciences*, 1(7), 432-436.
17. Normamatovich, Kholmurodov O., et al. "Creating a Favorable Environment for Attracting Foreign Investment and Strengthening Its Legal Framework." *JournalNX*, vol. 6, no. 05, 2020, pp. 53-56.
18. Bobaqulovich, R. A. (2022). PROBLEMS OF REFLECTING THE COST OF GOODS AND MATERIAL RESOURCES. *IJODKOR O'QITUVCHI*, 2(19), 151-159.
19. Эгамбердиевна, А. Ҳ. (2021). ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШДА ҲУҚУҚИЙ ВА ИНСТИТУЦИОНАЛ АСОСЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ. *Журнал Инновации в Экономике*, 4(5).
20. Zoyirovna, M. K. (2022). DYNAMICS OF ATTRACTING FOREIGN INVESTMENTS TO THE ECONOMY OF KASHKADARYA REGION AND THE FACTORS AFFECTING IT. *Gospodarka i Innowacje.*, 29, 226-233
21. Zoyirovna, M. K. (2022). IMPORTANCE OF ENTERPRISES WITH FOREIGN INVESTMENT IN THE DEVELOPMENT OF THE REGIONAL ECONOMY. *Gospodarka i Innowacje.*, 29, 219-225.
22. БУТУНОВ, Ш. ВЛИЯНИЕ МАКРОЭКОНОМИЧЕСКИХ И БАНКОВСКИХ ФАКТОРОВ НА УРОВЕНЬ НЕДЕЙСТВУЮЩИХ КРЕДИТОВ: РЕЗУЛЬТАТЫ ПО СТРАНАМ СНГ. *ECONOMICS*, (3), 33-42.
23. Mamasabirovich, M. K., & Hakimovich, B. K. (2023). ORGANIZATION OF PRIVATE CAPITAL ACCOUNTING IN ECONOMIC ENTITIES IN ACCORDANCE WITH INTERNATIONAL STANDARDS OF FINANCIAL REPORTING (IFRS). *Gospodarka i Innowacje.*, 32, 49-54.
24. Khakimovich, B. K. (2019). THE INTERNATIONAL TREATIES FOR THE AVOIDANCE OF DOUBLE TAXATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN. *Review of law sciences*, 1(7), 89-91.
25. Ziyadullayevich F. J. et al. MAMLAKATIMIZDA AGRAR SIYOSATNI AMALGA OSHIRISHNING ASOSIY YO'NALISHLARI //Current Issues of Bio Economics and Digitalization in the Sustainable Development of Regions. – 2022. – С. 847-852.
26. Farmanov, J. Z., Rimboyeva, N., & Qaxramonov, F. (2022). MAMLAKATIMIZDA AGRAR SIYOSATNI AMALGA OSHIRISHNING ASOSIY YO'NALISHLARI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(3), 1191-1197.
27. Бердиев, А. Х., & Расулов, Х. К. (2020). Современный экономический механизм развития сельского хозяйства. *Вестник науки и образования*, (5-1 (83)), 41-45.

28. Hakimovich, B. A. (2021). Measures to Increase the Popularity Of Banking Services. *International Journal of Modern Agriculture*, 10(2), 3943-3949.
29. Oman, X., & Alisherovich, T. S. (2022). THE ROLE AND IMPORTANCE OF CLUSTERS IN THE AGRICULTURAL SECTOR. *Gospodarka i Innowacje.*, 29, 202-206.
30. Туробов, Ш. А. (2022). АЁЛЛАР МЕҲНАТИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ. ИТМОИЙ ФАНЛАРДА ИННОВАСИЯ ONLINE ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ, 127-134.
31. Yakubova, S. (2021). Sh. The role of effective implementation of monetary policy in a pandemic condition/Sh. Sh. Yakubova, MD Raimova. *Theoretical & Applied Science*, (12), 104.
32. R. H. Djalilov. (2023). PROBLEMS OF CALCULATION OF VALUE ADDED TAX IN THE TAX SYSTEM OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN. *Intent Research Scientific Journal*, 2(3), 65–71. Retrieved from <https://intentresearch.org/index.php/irsj/article/view/52>
33. Hamidovich, D. R. (2022). REGULATORY AND LEGAL FRAMEWORK FOR THE ORGANIZATION OF CAMERAL CONTROL IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN AND ITS SIGNIFICANCE. *Gospodarka i Innowacje.*, 30, 49-54.
34. Iskandarovich, R. R. (2022). QISHLOQ XO 'JALIGIDA AGROKLASTERLARINI BARPO ETISHNING XORIJ TAJRIBALARI. *Gospodarka i Innowacje.*, 24, 390-394.
35. Рашидов, Р. И., & Муртазаев, Н. Р. (2020). DIRECTIONS OF INNOVATIVE AGRICULTURAL DEVELOPMENT. *ЖУРНАЛ АГРО ПРОЦЕССИНГ*, 2(7).
36. Музаффарова, К. З. (2021). МИНТАҚА ИҚТИСОДИЁТИГА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШ ҲОЛАТИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ. *Архив научных исследований*, 1(1).
37. Музафарова, К. З. (2019). Роль иностранных инвестиций в развитии национальной экономики Узбекистана. *Экономика и предпринимательство*, (1), 411-414.
38. Аликулов, А. Т. (2020). СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ МЕХАНИЗМОВ ТОРГОВЛИ НА ФОНДОВОМ РЫНКЕ УЗБЕКИСТАНА. In *Актуальные вопросы экономики* (pp. 63-66).
39. Alikulov, A. T. (2022). In Uzbekistan, the use of the Stock Market in Attracting Financial Resources by Corporate Entities is One of the Tools. *Journal of Marketing and Emerging Economics*, 2(5), 66-69.
40. Murodov, J. (2020). Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасида олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохатлар кўлами. *Архив научных исследований*, (29).
41. Утанов Б., Маматкулов Б., Ахмедова М., Муродов Дж. и Абдикулова Д. (2021). Взаимосвязь взаимодействия сельскохозяйственного производства с объемом дехканского производства в Узбекистане. *Илкоретим Онлайн*, 20 (3).
42. Atajanovich, M. A., Faizullaevich, K. A., & Akhmatzhanovich, M. M. (2022, October). DEVELOPMENT OF THE INVESTMENT MECHANISM DURING THE TRANSITION TO THE DIGITAL ECONOMY. In *INTERNATIONAL SCIENTIFIC CONFERENCES WITH HIGHER EDUCATIONAL INSTITUTIONS* (Vol. 1, No. 25.10, pp. 292-308).
43. Хуррамов Азамат Файзуллаевич, Аралов Худоёр Мусакулович, & Маматов Мамажан Ахматжанович (2022). МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ТАРМОҚ ТАРКИБИНИ ТАКОМИЛЛАШУВИГА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ТАЪСИРИ. *Экономика и финансы (Узбекистан)*, (7 (155)), 2-10. doi: 10.34920/EIF/VOL_2022_ISSUE_7_1